17.45 Спорт хафтафано-маси.
18.00 Сув - хаёт манбаи.
18.05 Келинг, кулшайлик.
18.20 «Туз келибиз!».
18.45 ТВ - афиша.
18.50 Муртоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» хафта ичида.
19.35 Охнараб.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 Жаҳон маданияти хазинаси: «Махобхорат». Телеериал.
21.30 «Оқшом юдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
18.30 «Том и Джерри».
Мультсериал.
18.40 Х/ф «Могучий Джо Янг».
21.00 «Новый русский романс». Сериал (2 серия).
23.00 Х/ф «Голый пистолет».
00.55 «Хорошие шутки». Концерт.
3.05 «Хорошие песни». Концерт.
4.55 Х/ф «Третий лишний».
6.15 Х/ф «Байки из ослена. Человек роли Смerti».

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалат». Болалар учун кинодастур.
11.00 «Аналар мактаби».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10, 14.00 ТВ-анонс.
12.15 «Алифбо сабоқлари».
12.35 «Сехрланган бола». Мультфильм.
13.15 «Интеллектуал

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Дисней клуб».
9.35 «Кунжукстартлар».
10.10 «Лазз

Шарқ дурдоналари

03-03 УРТАНИЎ

ДОМО БЎЛУҲ...

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтис ҳис... Бу ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши ёмон кунларида асқотиш демакдир.

● Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

● Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси ватанини севиш ва унга ҳаётинг сўнги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчана олмайди.

Байт:

Ватанга нафи йўқ
яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур
бемазмун.

● Ватан тарбиясини оила кучоғидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда ватан фикри бўлмайди. Улар учун ватан — она кучоғидир. Болалар оилани сева-сева ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилар экан. Оила муҳаббати эса оила кучоғида ва оила муносабатларида вужудга келгани учун ватан муҳаббати ҳам дастлабки озиғини, дастлабки қувватини оила кучоғидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустақкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди.

Хулоса: ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилага оиддир. Авлодимизга тўлиқ ватан муҳаббатини бериш учун, аввало, уларнинг кўнглиларига қувватли бир оила муҳаббатини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати ватан муҳаббатининг муқаддимаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

● Меҳнатни севиш, ғайрат билан матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгли роҳати, учинчиси — ақл ва эҳнинг орттишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

26 февраль, шанба

Покланиш, фароғат йўлига кириш, агар муносиб топилсангиз — йўлчи юлдузингизни топадиган кун бугун. Лекин бугун бирон нарсани режалаштирмаганингиз маъқул — кўпроқ дам олинг, мусоха тинланг, кўнгличор томошаларга боринг. Эракларга дурадгорлик, бошқа хунармандлик ишлари билан, аёлларга тикиш-бичиш, тўқиш, шунга ўхшаш қўл ишлари билан машғул бўлиш фойдали. Савдосотик билан шуғулланиш ҳам мароқли бўлади.

Бугунги куннинг барча аломатлари майда-чуйдалар билан боғлиқ. Чунончи, мунчокларингиз ёки дон сочилиб кетиши, зирак ёки узукларнинг тушиб қолиши, турли буюмларнинг синиши, ипнинг узилиб кетиши, кийимнинг бирон жойи биртилиши — буларнинг

хаммаси йўқотишлар ва синовларга ишора. Ўтирган стулнинг, каравотнинг синиши таянчидан ажралишингизни билдирса, ҳашаротларнинг чарб олиши, қантарингизнинг кичиши ҳам ахшиликка эмас. Сувнинг тўкилиши, айниқса, бевосита устингизга сувнинг сочилиб кетиши эса ахшилик аломати ҳисобланади — яъни сиз нуфузли ҳомиё ва кўмакчига эга бўласиз.

Бугун кўрадиган тушларингиздан хурсанд бўладиган нарсани қутиб қийин. Лекин ўзингизни ёмғир остида ёки сувда сузаётган ҳолатда кўриш ҳаётингиздаги яхши ўзгаришларнинг бошланишидан дарак беради. Шу кун буйрақлар ва пешоб йўллари хасталиқларга мойил бўлади. Моддалар алмашинуви билан боғлиқ аъзоларда, эндокрин тизимида оғриқлар кучайиши мумкин.

Либослардан қизилга оид барча ранглар ва ёрқин сариқ-яшил ранглар омадди ҳисобланади. Қора, қулдан ва жигарранг либосларни четга суриб қўй туринг.

БУГУН:

— чин дилдан меҳнат қилиш (зеро, сиз бугун моддий аҳволингизни яхшилаб олиб, келгуси фаровон ҳаётингизга асос солишингиз мумкин);

— фаолиятингиз натижаларини яқиний ҳисоб-китоб қилиб, яқин келажақ режаларини тузиб олиш;

— ҳар қандай вазиятларда ҳам осойишталик ва вазминлик билан оқилона иш тутиш;

— кийимларингиз ва пойабзалингизни тартибга келтиришингиз тавсия этилади.

Ўзингиз ва бошқаларга ҳаддан зиёд талабчан бўлиш, ортиқча ҳашамдор ҳаётга интилишдан ўзингизни тийинг.

27 февраль, якшанба

Бу кеча Ой сайёраси Тарозудан Чаён буржига ўтади ва бу вақт алдовлар, пуч халълар, нибобларни юздан сидириб ташлаш кунин ҳисобланади. Атрофдаги воқеалар бизнинг ҳақиқий афт-ангоримиз, ички туйғуларимизни кўзгудагидай кўрсатиб беради. Саёҳатлар, янги танишувлар, бирон янги ишни бошлаш тавсия этилмайди.

Оилавий байрамлар, рўзгор ишлари, керакли нарсаларни таъмирлаш билан машғул бўлиш фойдали. Албатта фарзандларингиз даврасида бўлинг ва уларнинг кўнглиларини олишга ҳаракат қилинг. Интеллектуал меҳнат учун бу кун гоёт мос келади. Ижодий изланишлар, китоб мутлоаси кунингиз мазмунли ўтишига хизмат қилади. Кўп ухлаш мумкин эмас — акс ҳолда ўзингизни хаста ва оғир ҳис этасиз.

Шу кун тўғилган қишлоқларга мустақил бирон иш билан шуғулланиш маъқул эмас. Зеро, улар ўзларидаги худбинлик, манманлик туйғуларини енгилари, ўз остиларини топишлари керак — шундагина бундай кишилар маънавий юксалиш йўлига тушиб оладилар.

Бугун уйингиздаги гул очилса яхши бўлади — демак, сизни хурсандчилик ва омад кутмоқда. Майда — чуйдаларнинг йўқолиши ортиқча ташвишлардан халос бўлиш, покланиш аломати. Зинҳор кўчада ерга тушиб ётган нарсаларни ола кўрманг — бунда сиз бировларнинг муаммолар юқини зиммангизга олган бўласиз.

Ерқин, аниқ қўрилган тушлар ўнгидан келади. Бу оқшом юзни Шимолга буриб ётган маъқул. Либослардан оқ, юлғун ва сариқ ранглиларни кийишга ҳаракат қилинг. Кўк, сиёҳранг ва жигарранг кийимлар бугунги кунга тўғри келмайди.

ДАМ ОЛИШ КУНИДА:

- имкони бўлса, оддий ёки хизмат сафарини кейинги кунга қўчириш;
- унча муҳим бўлмаган кундалиқ ишларни секин-аста давом эттириш;
- рўзгор ишлари билан банд бўлиш, уйларни саранжом-саришта қилиш;
- ўз тажрибангизга суяниб ҳамда дўстларингиз маслаҳатларига қулоқ тутиб иш олиб бориш тавсия этилади.

Доимий режим ва парhezни бузиш, меҳнат жасоратларини намоён этиш, ўзингизни хавфхатар остига қўйиш, жанжал-можароларда қатнашиб, шовқин-сурон кўтариш ман қилинади.

28 февраль, душанба

Мунажжимлар таъбирига кўра, бу кун хазиначиларни очувчи, тақдир совғаларини тўхфа этувчи сирли кунлардан ҳисобланади. Аммо бу тўхфалар ишининг кўзини билладиган, уни идора эта оладиган кишиларгагина насиб қилади. Бу кун мулк ҳақида, уни кўпайтириш ва гуллаб-яшнашига эришиш тўғрисида ғамхўрлик қилишининг айна вақти. Кўп куч ва меҳнат талаб қиладиган ишларни бошлаш, пулни қўқма совурмаслик, уддалаб бўлмайдиган режа ва гоёларга бош қотириб ўтирмаслик керак. Зеро, бу кун оддий ва реал имкониятлар кунини бошлаган барча ишларингизни охирига етказишингиз шарт.

Бугун қарага пул олиш ёки пул бериш мумкин эмас. Шунингдек, муҳим ҳужжатларни имзолаш, ваъда бериш ва қасам ичишга уринманг. Янги танишувлардан ҳам ўзингизни тийинг — улар сиз учун гоёт ноқулай ва беҳосият бўлиши мумкин.

Майда пул ва қалит топиб олиш ноҳус ҳолатлардан огоҳлантириш демакдир. Бу оқшом тушлари сизни ўраб турган муҳит ва моддий аҳволингиз билан бевосита боғлиқ бўлади. Саломатлик масаласида ҳам бу кун хушёрликни талаб қилади: заруратсиз дори ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш мумкин эмас.

Бошдан-оёқ оппоқ, олтинранг ёки юлғун либослар кийиш маъқул, улар янги бўлса — нур устига аёло нур, қора, қўк ва жигарранглардан нарироқ бўлинг. Мис ва олтин безаклар тақиш мумкин.

ЭНДИ БУГУНГИ КУН МАСЛАҲАТЛАРИГА ЎТАМИЗ:

- янги ишни бошлаб юбориш;
- молиявий ва бошқа зарур муаммоларни ҳал этиш;
- танбаллик ва журъатсизлик ҳолатини енгилангангизни намоён этиш;
- нимани бўлса ҳам тикиш, тўқиш, тайёрлаш;
- муҳим учрашувни тайин этиш, муҳим бир қарорни қабул қилиш ва уни бажаришга киришиш тавсия этилади.

Худбинликка берилиб, фақат ўз манфаатингизни ўйлаб ҳаракат қилиш, орзулар, пуч халълар кетидан қувиш, феъл-атворингиздаги мавжуд салбий хусусиятларга эрк беришдан ўзингизни тийинг.

БМТ ЯНГИ БОШ КОТИБИ КИМ БЎЛАДИ?

Маълумки, 2006 йил декабрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбари Кофи Аннанинг Бош котиблик ваколати мuddати ниҳоясига етади. Олдинда қарий икки йил вақт турган бўлишига қарамай, миллатлар ҳамжамиятининг айрим аъзолари ўртасида бош котиблик лавозимига даъвогарлик борасида муайян ҳаракатлар бошланган.

Бугунги кунга қадар Шри Ланка ҳамда Таиланд БМТ бош котиблигига ўз номзодларини тақдим этган. Шри Ланка томонидан мамлакат президентининг катта маслаҳатчиси Жаан-та Дханапала, Таиланддан эса ташқи ишлар вазири Суракират Сатиратай номзодлари тавсия этилган.

Ҳар икки номзод ҳам Осиё минтақасидан. Шу ўринда айтиш керакки, Осиё мамлакатлари янги бош котиб айна мазкур минтақадан бўлмоғи лозим, деган фикрни билдиришмоқда. Бош котиб лавозими расман жўғрофий алмашув тамойили асосида белгиланмайди. Агар бош котиблар "шажараси"га назар ташланса, қуйидаги манзара кузатилади: Тригве Лиз (Норвегия) 1946-1953 йиллар; Даг Хаммерсколд (Швеция) 1953-1961; Йу Тант (Мьянма) 1961-1972; Курт Валдхайм (Австрия) 1972-1981; Хавер Перез (Перу) 1981-1991; Бутрос Фоллий (Миср) 1991-1996.

Демак, Осиё вакили бош котиблик курсига ўтирмаганига ўттиз йилдан ошган. Айна вақтда Осиё номзодлари учун хайрихолик билдираётганлар орасида Африка мамлакатлари ҳам бор.

Бирок даъвогарлар рўйхати фақат Осиё вакиллари билан чекланиб қолмаслиги ҳам кундай равшан. Хусусан, Шарқий Европа мамлакатлари ҳам бош котибликка кўз тикишга тийин. Уларнинг фикрича, хали Шарқий Европадан бирор марта ҳам бош котиб чиқмаган. Гариш шу пайтга қадар бу хусусда бирон-бир расмий фикрлар эълон қилинмаган бўлса-да, БМТ бош қароргоҳи йўлақларида ушбу мавзудаги гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинади.

Сир эмаски, бош котибликка номзодлар тақдирини ҳал этишда Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган мамлакатлар муҳим роль ўйнайди. Аммо ҳозиргача бу гуруҳ мамлакатлари мазкур мавзу юзасидан ўз нуктаи назарларини билдиришгани йўқ. Кузатувчиларнинг фикрича, жатий йил охирига бориб бу масала юзасидан муайян ойдинликлар кўзга ташланиб қолса ажаб эмас.

Фарҳод АРЗИЕВ,
"Жахон" АА муҳбири
Нью-Йорк.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти бўш (вакант) "Иқтисодий назария ва педагогика", "Фалсафа", "Суғурта иши", "Жисмоний тарбия" кафедралари мудириги лавозимига ва қуйидаги кафедралар "Иқтисодий назария ва педагогика" профессор (5), доцент (2) катта ўқитувчи (2); "Фалсафа" профессор (1), доцент (5), катта ўқитувчи (2); "Лойиҳаларни молиялаштириш" профессор (1), катта ўқитувчи (2); "Молия" профессор (1), доцент (4), катта ўқитувчи (3), ассистент (6); "Суғурта иши" катта ўқитувчи (2); "Банк иши" доцент (3); катта ўқитувчи (2); ассистент (1); "Бухгалтерия ҳисоби" профессор (1), катта ўқитувчи (3); "Жисмоний тарбия" доцент (1), катта ўқитувчи (5), ўқитувчи (4) лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Х.Асомов кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 134-66-58.

Фафур Фулом уй-музеи ва Муқимий номли мусикали театрининг рўпарасида жойлашган «Арпапоқ» ошхонаси академик шоиримиз Фафур Фуломнинг қадами теккан кутлуг даргоҳлардан бири. Куни кеча тушлик пайти шу ерда Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов ва комик актёр Алишер Отабоевлар билан учрашиб қолдик. Бир пиёла чой устида суҳбатимиз қизиди.

«ОҚШОМ»ДА ЖАМОЛИНГНИ ШАМ ИЛА МУНАВВАР ҚИЛ

— Кулғихонага материал тўлаб юрибман деган эдинг. Мана кулғихона учун Алишер тайёр нуска. Уни фақат оққа кўчирсанг бўлгани, — деб қолди Файзулла ака.

— Э йўқ, кўнгличор газеталарнинг деярли барчаси учун мавзу бўлганим ётар. Хатто «Кроссворд» ҳафтаномасида ҳам суратим босилиб чиққан.

— Ке, энди таранг қилма, ечимингни «оқшом»чилар ҳам ўйлаб топсин.

— Ана холос «Оқшом»да жамолимизни шам ила мунаввар қилар эканмизда.

Икки санъаткорнинг шу суҳбати бизга мавзу топиб берди.

— Бўпти, мен рози. Бўлмаса бошлаймизми? — деди Алишер кулиб.

— Нима, бу сенга спектаклмидики, парда очилиши билан бошлайверадиган. Олдин сенга муҳбир савол беради, сен аста-секин тартиби билан жавоб берасан.

— Очиғи, мен шу савол-жавобни ёмон кўраман. Гуё бу менга жиноят стулида ўтириб тергов бераётгандек туюлади. Яхшиси мени эркин қўйинг. Мен гапирарай, сиз керакли жойларини ёзаверинг, келишдикми?

— Келишдик.

— Аёлим Раъноҳон билан турмуш қурган кезларимиз ёз ойларига тўри келган. Ҳар куни тонг ёришмай кўз очиб қарасам у туриб кетган бўлади. Жажл билан Ташқарига чиқсам ҳовли супураётган бўлади. «Ха, мунча сахарлар супуриб-сидириш шартми, шу ишни бироз кечроқ қилса ҳам бўлади-ку», десам у «Ойимлар ёшлигимдан тонг билан куча эчкини очиб, супуриб-сидириб, озода қилиб қўйган ҳовлига фаришталар киради, деб кулғимга қўйганлар», — дейди.

Йиллар ўтди, икки қизли бўлдик. Ота ҳовлимиз торлик қилиб биз оиламиз билан домга кўчиб ўтдик. Энди хотин бемалолл ҳўжа, Баъзи ишдан бўш кунлари эрталабки соат тўққизгача уйкуни уради. «Ҳой, турмайсанми, йўлакни супуриб-сидирсангчи, ахир уйга

фаришталар кирсин», десам «Ҳадеб безовта қлаверманг, фаришталарнинг ҳаммаси ёшлигимда қириб бўлган», дейди.

Давраимизда кулгу кўтарилди. Биз билан қарама-қарши столда бир гуруҳ шинавандалар билан куюқ дастурхон атрофида ўпирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солиҳов биз томонга ўсмоқчилаб қараб қўйди.

— Тинчликми, қуруқ қошиқ оғизларингни йиртиб ўтирибди-ю, кулғуларинг оламини бузди-я, — деди у олдимиздаги тахи бузилмаган қошиқ-вилкаларга ишора қилиб.

Файзулла ака шайх ўқиди:

Бу кунлар бошимиздан бир саҳоб ўлса ажаб эрмас,

Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас.

Очилса пардалар юздин ҳижоба ўлса ажаб эрмас.

Равшан Солиҳов гап тағидаги нимкосани сезсада, пинагини бузмади.

— Шу ҳолатни қуриб бир нарса эсимга тушиб кетди. Ҳикоясини бошлади Алишер. — Қашқадарёнинг Кито-бида гас-

рол сафаридамиз. Авжи саратон бўлгани учун Файзулла ака билан мен устимга оқ ятак кийиб чойхонада чойқўриқ қилиб ўтириб-миз. Ушунда туманга қандайдир номдор бир экстрасенс келган экан. Паришонхотир касалига учраган урта ёшлардаги бир киши ўзини даволатиш учун сеансларга чипта ололмади гаранг экан. У бизни оқ либосда қуриб ўша экстрасенс билан келганлардан деб ўйлабди, шекилли, бизни қўярда-қўймай ошхонага таклиф қилди. Мехмондорчилик роса қизиди. Охирида «Энди мени бир қуриб қўясизларда мехмонлар» деб ил-

тижо қилди бизга.

Кейин биздан бор гапни эшитиб роса қулди.

— Устларингиздаги бир хил оқ ятакни қуриб сизларни чиндан ҳам экстрасенслар деб ўйлабман. Барибир санъаткорлар ҳам ўзича экстрасенсда. Сизлар билан мириқиб қулиб дардим анча енгиллашгандек бўлди.

— Ие, бўлмасам-чи, — дедим мен тагин биз билан дастурхон учун ҳисоб-китоб қилиб олмасин деб. — Бу ҳам ўзига хос бир муолажада. Ахир бекорга ҳам «Кулги терапия» дейишмайдику?

Кулғимизни эшитиб Равшан Солиҳов яна сергак тортиди.

— Вой тавба, — деди у биз томонга қараб. — Қуруқ қўл билан ҳам балодек қулса бўлар эканку.

— Келинг, кулгу билан қорин тўядиган бўлса яна бир нарса айтиб берай, — деди Алишер. — Бир вақтлар гастрол сафарларимиз икки ойлаб чўзилиб кетарди. Шундай сафарларнинг бири-

деди.

— Ҳой, менга қара «кулги терапия». Оч қоринга қўшқак на ҳожат деганларини эшитганимсан, Чўзилмай айтидиганингни тез айт. Қориннинг пўстағи чиқиб кетди, — деди Файзулла ака.

— Ҳаммасини айтиб бўлдим, яна нимани айтаман.

— Ҳозир тиркилигингни биламан. Ҳен бўлмаса тугилган йилингни, яшаш жойингни айт. Уқувчилар сенинг кимлигингни билсинда.

Файзулла аканинг шу сўзидан кейин Алишер тез-тез гапирга кетди.

— 1957 йили Тошкент вилоятининг Қирғарик қишлоғида туғилганим. Маданият техникуминини битириб ўн йил Муқимий театрида озонда бўлиб ишладим. Гастрол сафарларида «Ака-ўка совчилар» спектаклида Зокир ролини ўйнайдиган артист касал бўлиб қолди. Ўзимни азалдан шу ролга тайёрлаб юрдим. Ҳамманинг боши қотган. Чипталар сотилган. Одамлар зални тўлдириб ўтиришибди. Энди нима қиламиз, деб туришганида мен дадил: «Ишонсанглр шу ролни мен ўйнасам», дедим. Тортишувга вақт йўқ, рози бўлишди. Артист бўлиб кийиндим. Саҳнага чиқиб кетдим.

Шу-шу артистлик фаолиятим бошланди. Ҳозиргача анча-мунча ролларни ўйнаб кўйдим. Утган йили кинорежиссёр Юсуф Розиков «Эркак» фильмига таклиф қилди. Зайнулло ролини бажардим. Шу кунларда «Хотира рашки» фильмида Фатхуллага образини яратиш устида иш олиб боряпман. Устозларим Раззоқ Ҳамроев, Бахтиёр Ихтиёров, Шўҳрат Расулов, Равшан Солиҳовларнинг менга берган панду-насихатларини қулоққа олдим. Ёмон йўлга юрмадим, бегона аёлга кўз тикмадим.

— Бўлди, бўлди шу ерда тўхта, — деди Файзулла ака. Кейин менга қаради. — Етарли бўлди шекилли.

— Бўлди етарли, — дедим мен ҳам.

— Энди ука, ҳамир учидан патир, югур яримта олиб кел.

Файзулла аканинг бу сўзига жавобан Алишер:

— Ўзим ҳам ўйловдима ҳар қалай бу гап қуруқ бўлмаса керак деб. Бошда унамай турганимнинг боиси ҳам шундан эди.

Кулишдик...



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов



МУСАҲҲИХ ДАФТАРИДАН

- Мол эгасига ишшайди.
- Кўрққан олдин гўшт қутарар.
- Асалхона фарроши.
- Қуруқ гап улукқа ёқмас.
- Ҳар ким текканини ўради.
- Сувни кўрмай этик ичма.
- Айрилганини гўри ер.
- Гап эгасини қопар.
- Узумини е, бо-
- Гини уриштирма.
- Балиқ бошидан асир.
- Ёзувчи аламиндан тўкинган атрлар.
- Китоб товони.
- Омбор мундири.
- Шейрият чечаси.
- Дўкон отувчиси.
- Кўпга келган ўй.
- Ўзма лағмончилар танлови.
- Уйкалам соҳиб.
- Бўғма талант.
- Илҳом арис.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг

ЭГАТДАГИ БАЛИҚЛАР

Лондон яқинида истиқомат қилувчи 67 ёшли Рон Ленгтон тонг сахарда дераза ойнасидан томорқасига назар ташлаб гаройиб манзаранинг гувоҳи бўлди. Полизни сув бошган бўлиб, жуда кўп балиқлар сузиб юрарди. Кейинчалик Ленгтон балиқларни ҳисоблаб чиқди, улар 500 тадан кам эмас экан.

Маълум бўлишича, кечаси бўлиб ўтган довул ва тўфон Темза дарёсидан сувни кўтариб уни 2,5 миль олис масофадаги Ленгтоннинг томорқасига келтириб ташлаган экан. Балиқлар оз бўлса ҳам полиз эгаси кўрган зарар ўрнини қоплабди.

«ЭГАСИ» ТОПИЛДИ

Ҳажвия

Кўча-кўйда галати эълон пайдо бўлди. «Ешим йигирмада. Хали турмуш қурмаганим. Оқ сариқдан келган, дурқунгина қизман. Отим Ҳалима. Велосипед мусобақаси бўйича совриндорман. Ешидан қатби назар велосипед ишқибози ва шу тежурар хайдов воситасига эга бўлган кишига турмушга чиқаман. Мен билан танишмоқчи бўлган эркаклар фалон манзилга учрасин».

Бу шов-шув кўпчилиги оғзига тушди. Янгилик билан қадам-қадам юрвучи шошқалоқлар отни камчилаб қолишди. Белги-ланган манзилга бориб ўша киз билан юзма-юз учрашганларнинг оғзи қулоғида. «Кетворган. Унинг васлига етиш учун бир эмас, унта велосипед сотиб олсанг арзийди».

Кунба-кун велосипед дўконлари харидорлар билан тўлиб-тошди. Йиллаб чанг босиб ётган «Утмас матоҳлар» уч-тўрт кун ичида қўлма-қўл бўлиб кетди. Велосипед тополмай уни дўконма-дўкон қидириб сарсон бўлиб юрганларни айтмайсизми? Шундайлар «устига озроқ берсак ҳам майли, келиши билан менга битта олиб қўйинг,

баракат топкур, ё олдиндан пулни бериб қўямми», дея сотувчиларга ялиниб-ёлворишади. Баъзи дўкондорлар эса шунақа «новб» махсулотни ҳеч қандай «шапқасиз» шошиб-пишиб сотиб қўйганларидан пўшаймон.

Кўп ўтмай эълон берган Ҳалимаҳоннинг уйи олди велосипед минган, етаклаган эркакларга тўлиб кетди. Лекин уч-тўрт кундан бери қиздан дарах йўқ. Уй эгасининг гапи битта. «У киз бизникида вақтинча яшаб турган эди. Бошқа жойдан уй олиб кўчиб кетган. Манзилни билмаймиз».

Яқинда кўча-кўйда яна бир эълон пайдо бўлди. «Хурматли велосипед ишқибозлари бўлган эркаклар, овора бўлиб манзилни қидириб юрманлар. Мен аллақачон ўз тенгимни топиб улгурдим. Ҳалима».

Барибир ёлгоннинг чуви чиқди. Бор гапини тағига етмасдан қўймайдиган эркаклар сўраб-суриштириб билишса бу велосипед сотаётган дўкондорларнинг «пиширган оши» экан. Улар шу йўл билан йиллаб йиғилиб, дўконни хира қилиб ётган махсулотларни «агаларига» топширишган экан.

ХАНДАЛАР

Бир шифокор шундай ҳикоя қилади: — Аввалги ҳафтада ҳузуримга маҳалламиздаги мактабнинг жўғрофия ўқитувчиси харитадаги жойларни кўрсатадиган таёқчасига таяниб келиб, соғлиғи ёмонлигидан шикоят қилди. — Аниқроқ айтинг, қаерингиз оғрийди? — сўрадим ундан. — Орқа қурагимнинг шимол-шарқий қисми. — Тушунарли, демак, ўнг елкангиз. Яна қаерингиз? — Орқа қовурғаларимнинг энг жанубидаги икки ярим шарнинг

ғарб томонидагисига чипқон чиқмоқچига ўхшайди. У вулкон бўлиб отилмаслиги учун олдини олиб, даво чорасини кўрсангиз. — У ҳолда, — дедим тушунтириб, — мана шу ерингизми, сал қизариб қолибди, энди шарқий ярим шардан қон олиб, ғарбий ярим шарга қуямиз! — Чойхонада ўтирган икки табибнинг ҳарсатидан чанг чиқарди. Улардан бири ух тортиб, деди: — Бу йил сихат-саломатлик

«02»: ХОДИСАЛАР

• Сергели-8 даҳасидаги «Марказий университет» дўкони олдида 1956 йилда туғилган, ишламайдиган, шу туманда яшовчи С.Г. ўзaro жанжал оқибатида, турмуш ўртоғи 1958 йилда туғилган, Л.Г.ни уриб, тан жароҳати етказган. Натижада Л.Г. «Бош мия ёпиқ жароҳати, бош ва юз қисмининг кўкариши» ташхиси билан воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида С.Г. ушланди.

• Шайхонтохур туманида ўз уйида, ишламайдиган, судланган, Самад Вургун кўчасида яшовчи Д.Б ва ўша ерда яшовчи Г.М.лар маст ҳолда ўзaro жанжал оқибатида, таниши, ишламайдиган, Чилонзор 14 да яшовчи А.Т.ни ошхона пичоғи билан уриб, тан жароҳати етказиб, оёғидаги 15000 сўмлик этиги, бўйнидаги 4000 сўмлик шарфи ва чўнтагидаги 3000 сўм пуллари тортиб олишиб, жабрланувчини кўчага олиб чиқиб ташлашган. Натижада, у «Бош мия чайқалиши, бош чап энса соҳасининг лат. ейиши, чап елка соҳасида санчилган-кесилган жароҳатлари, кўкрак қисмининг лат. ейиши» ташхиси билан касалхонага ётқизилган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, Д.Б. ва Г.М.лар далилий ашё билан ушланди.

• Бектемир туманидаги «Кўйлик» деҳқон бозориди, номаълум шахс, нафақахўр, Сергели-8 даҳасида яшовчи Т.Х.нинг савдо билан банд бўлаётганидан фойдаланиб, қўлидаги ҳамёнини ичидаги 3500 сўм пули билан тортиб олиб, кочиб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, 1985 йилда туғилган, ишламайдиган, Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, Х. Олимжон жамоа ҳўжалигида яшовчи Б.А. далилий ашё билан ушланди.

• Чилонзор туманида эшикни бузиш йўли билан кириб, ишламайдиган, Чилонзор 8-мавзеси, 58-уйда яшовчи Н.Р.нинг уйидан 45000 сўмлик «ДЭУ» видеомагнитофони ва 40000 сўм пуллари ўғирлаб кетаётган вақтида, ўша ерда хизмат олиб бораётган «Тун» махсус тадбирга жалб қилинган Жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари томонидан, 1989 йилда туғилган, судланган Қорасув-1 да яшовчи Д.Б. далилий ашё билан ушланди.

Дилбар ЁДГОРОВА,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси
Матбуот маркази
жамоатчи муҳбири

ҚАЙДАСИЗ, НАЗОРАТЧИЛАР?

Айтинг, айтинг транспортлар тизим юрадиган йўлда яшил чироқ ҳамиша нур сочиб турсин-да, акс ҳолда транспорт қатнови издан чиқади. Шошқалоқ, бебош ҳайдовчиларнинг кунни туғайди. Қоидабузарликни авж олдиришади. Шоҳқўчадан келаётган катта-кичик транспортларга йўл бермай, тезлик билан кўчани кесиб ўтишади. Баъзилари бир зум вақтдан ютиш учун пиёдалар юрадиган йўлчалардан ҳам фойдаланиб қолишади. Мана шу шошма-шошарлик оқибати кўпинча бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Ҳафтанинг сешанба кунни серёмғир бўлди. Кечки пайт соат бешларда (ишдан қайтишда) Амир Темур хиёбони рўпарасидан ўрин олган минорали соат тагидаги йўлга ўрнатилган яшил чироқ ишламай қолди. Ҳар икки томондан турнақатор келаётган транспортлар қатновидан

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

йўловчилар йўлни кесиб ўтишолмайди. Ўчакишгандек, ёмғир шаррос кўйиб турибди. Бировда соябон бор, бировда йўқ. Баъзи ёш-яланглар бош кийимсиз. Сал катта йўлга яқинлашсанг, ўқдек учиб бораётган машиналар гилдирагидан сачраган кўлмак сувлар ҳаммаёғингни бежайди.

— Ҳеч бўлмаса шунақа вақтларда йўлни тартибга солиб туриш учун шу ҳудудга масъул ДАН хизматчиларидан бирини ўртага қўйишса бўлмасмикан? У йўл ҳаракатини бошқариб, пиёдаларни кўчани кесиб ўтишига ҳам имконият тўғдириб турса яхши бўларди, — деди ёмғир остида қолган ҳамшаҳарларимиздан бири.

Беш қўл баравар эмас, ҳайдовчилар орасида инсофлилари ҳам бор экан. Бир «Жигули» ҳайдовчиси машинасини бироз тўхтатиб йўловчиларнинг ўтиб олишига имкон берди.

Эртасига эрталаб соат саккизда Амир Темур шоҳқўчасининг Жаҳон Обидова кўчасига бурилиш жойида яна яшил чироқ ишламаётганига дуч келидик. Ҳар кунни худди шу вақтда шу кўчанинг бошланғич қисмининг овлоқроқ жойида (кўзга кўринмайдиган) туриб олиб, йўл ҳаракати қоидаларни бузилишини кутиб турадиган ва бунга йўл қўйган ҳайдовчиларни югуриб чиқиб тўхтагидиган йўл назоратчилари аксига олиб шу кунни кўринмасди. Бу ҳақда ён шеригимизга айтсак, у: «Бунақа вақтда улар галвадан қочиб умуман кўринишмайди. Лекин бир фалокат содир бўлса бир зумда шу ернинг ўзида ҳозир-нозир бўлиб қолишади», деди.

Нима ҳам дердик. Биз ҳам қайдасиз назоратчилар дея йўлни кесиб аранг ўтдик - да, шунисиға шукр қилиб ишимизга жўнадик. Билмадик, биздан кейин бу ерда яшил чироқ қачон ёндию, унгача қанча йўл-транспорт

МАВСУМИЙ САВДО-ЯРМАРКАСИ

Тошкентда энгил саноат маҳсулотларининг мавсумий савдо-ярмаркаси очилди.

Махшур ярмарка нафақат Тошкент, балки Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида ҳам бир вақтнинг ўзида ташкил этилган. Пойтахтда иш бошлаган ярмаркада «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи турли мулкчилик шаклидаги ўттизта корхона, шу жумладан юртимизда фаолият юритаётган етти та тўқимачилик, 20 та тикувчилик-трикотаж ва учта чиннисозлик тармоғи корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Савдо-ярмаркасиға умумий қиймати 92 миллион сўмлик 500 га яқин турдаги тайёр маҳсулотлар кўйилган бўлса, шундан 257 турдагиси янги маҳсулотлар ҳисобланади. Хорижда ҳам

махшур бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардан «Бухоротеко», «Намангантекстейл», «Косонсойтекстейл» истеъмолчиларга гаэлаамалар, турли ўлчамдаги сочиқлар ҳамда юкери сифатли кўрпа ва ёстиқ жилдларини тақдим этишмоқда. Шунингдек, «Косонсойтекмен» кўшма корхонаси, «Хива гилами» акциядорлик жамияти ҳамда «Хива карпет» кўшма корхоналари харидорларга ранг-баранг ва европача нусхадаги гиламларни сотмоқда. Тошкент чини заводи, Самарқанддаги «Нафис» ва «Кувасой чини» акциядорлик жамиятлари ҳам кенг турдаги хилма-хил чинни идишларини намойиш қилмоқда. «Туркистон-пресс»

ҳодисалари рўй берди экан?

АНТИҚА ЁЗУВЛАР

Янгигина «Мерседес-Бенц» автобусига чиқдик. Тушлик пайти бўлгани учун салон анча бўш, ҳатто у ер, бу ерида бўш ўриндиқлар ҳам кўзга ташланарди. Олди ўриндиқда ўтирган ёшлардан бири дарҳол ўрнидан туриб бизга жой берди. Раҳмат айтиб, юмшоқ ўриндиққа ўтирдик. Шу топда олдинги ўриндиқнинг қўл ушлагич резинасининг ярми атайлаб кимнингдир томонидан кесиб олинганига кўзимиз тушди. Ачиниш билан бош чайқаб турганимизни чипта сотувчи пайқаб қолди.

— Буниси ҳам ҳолва, энди ўриндиқнинг орқасидаги ёзувларни ўқиб кўринг, — деди у бизга.

Бай - бай, ҳали бунақаси бўлмаган. Бу ерда қанақа

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ёзувлар, қанақа чизма расмларни учратмайсиз. Мана шулардан бири. «Маҳбуба ва Олимжон. Чин севги». Вой тавба, «севги» изҳор этишнинг шунақа йўллари ҳам бор экан-ку, биз билмас эканмизда? Аслида эса бу севги эмас, ўзининг кимлигини кўрсатиш, кўпчилик олдида ўзинигина эмас, ҳатто кўнгил берган кўзининг (агар севгиси чин бўлса) ҳам номини айтиб кўпчилик олдида шарманда қилиш.

Севги — бениҳоя буюк туйғу. Бундай туйғуга эга бўлган киши, уни дилида сақлайди, ўзгалардан пинҳон тутлади, ҳатто оилаб, йиллаб дилидаги бу эҳтиросни севганига ҳам айтишдан истиҳола қилиб юради.

— Йўловчи транспортларда ҳамиша одамлар гавжум бўлади. Шундай ёзувлар эйлаётганини кимлардир кўриб туради-ку. Нега улар индашмайди, ўзбошимча ёшларни тартибга чақаришмайди. Мана шунисиға ҳайрон қоламиз, — дейди чипта сотувчи аёл. — Йўловчилар ўз ҳуқуқларини талаб қилишни унуттишмайди. Шундай бўлгач улар ўз бурч ва масъулиятларини ҳам унутмасликлари керакда.

Автобусдан тушиб кўча бўйлаб кетдик. Беихтиёр кўзимиз кўча юзидаги дарахтга миҳ билан қоқиб қўйилган хусусий эълонга тушиб қолди. Унинг пастроғида эса дарахт танасига ўйиб ёзилган «Қанақа аҳмоқсан, дарахтга нега эълон осасан» деган ёзув. Буни энди қандоқ тушуниш керак? Бу табиатга етказилган зиёнга қарши қаратилган огоҳлантириши, ёки унга баттар озор бериши? Ҳарқалай бу қош қўяман деб, кўз чиқаришдан ўзга нарса эмас.

Автобус ҳам, ҳатто ўша озор тортган дарахт ҳам бизнинг мулкимиз. Мулкни эса кўз қорачиғидек сақлаш ҳаммамизнинг бурчимиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси

Тошкент *Энрибердиев* *номидаги*
Тошкент Давлат цирки

2005 йил 18 мартдан

Диққат! Диққат!

КУТИЛМАГАН ВО-КЕА	шошилинг	буюртмалар қабул қилинмоқда.
Тошкент Давлат циркида	Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.	Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
ПАРИЖ - ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ	Жума, шанба, як-шанбада	Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.
транзит йўли асосида жаҳонда ягона РЕВЮ МУЗ ШОУ-СИНИ	Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз	Маълумотлар
18 мартдан бошлаб томоша қилишга	Келганингиздан афсусланмайсиз!!!	учун телефонлар:
	Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун	144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиғи

Буюртма Г-208.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма таёқ, офсет усунди босилди.
3009 нускада босилди. Қоида бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриётлик бериш маъналари буйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.